

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛЛАБАЕВ МИРЗАТИЛЛО АЛИШЕРОВИЧ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ
НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИНГ
НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Тиллабаев Мирзатилло Алишерович

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий назорат органлари
ўзаро ҳамкорлигининг назарий-амалий жиҳатлари..... 5

Тиллабаев Мирзатилло Алишерович

Теоретико-практические аспекты взаимодействия
международных и национальных контрольных органов по
правам человека..... 29

Tillabaev Mirzatillo Alisherovich

Theoretical and practical aspects of interaction between international
and national monitoring bodies on human rights 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛЛАБАЕВ МИРЗАТИЛЛО АЛИШЕРОВИЧ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ
НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИНГ
НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Yu24 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Саидов Акмал Холматович академик, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Турсунов Ахтам Саломович юридик фанлар доктори, доцент Бобоқулов Иномжон Ибрагимович юридик фанлар доктори, доцент Тўлаганов Абдуманноп Абдужабборович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси, 54. Тел.: (998 71) 267-67-69; факс: (998 71) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz.)

Докторлик диссертацияси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси, 54. Тел.: (998 71) 267-67-69)

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.А. Хамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Г.С. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, доцент

С.М.Адилходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги янада глобаллашаётган дунёда, қадим замонлардан бери инсониятни ташвишга солиб келаётган инсон ҳуқуқлари масаласи аҳамиятли ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳозирги замон халқаро оммавий ҳуқуқининг мустақил тармоғига айланган ҳолда, халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларнинг тез ривожланиб бораётган йўналишларидан бирига айланди. 2005 йилдаги Жаҳон саммитида бошқа масалалар билан бирга “инсон ҳуқуқлари масаласи коллектив хавфсизлик ва фаровонлик асосларидан бири сифатида эълон қилинди ва БМТнинг аъзо-давлатлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг мустаҳкамлаш бўйича қатъий қарорга келганликларини қайд этдилар”¹. Инсон ҳуқуқлари барқарор тараққиётни таъминлаб беришда муҳим аҳамиятга эга. Бунга жавоб сифатида тараққиёт соҳасида янги амбициоз умумжаҳон дастур “2030 йилгача Барқарор тараққиёт соҳасидаги кун тартиби”² тўла равишда инсон ҳуқуқлари принциплари ва стандартларини қамраб олган.

Таъқидлаш лозимки, ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқларини ҳимояси ва бу соҳада давлатлар ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан назоратни амалга ошириш асосида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқини шаклланишининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини, шунингдек халқаро нормалар ва тамойилларини комплекс тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур тенденцияларнинг хусусиятлари сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларга кўшилаётган давлатлар ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг сони ошиб бораётганлигини қайд этиш мумкин.³ Бу борада, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий механизмлар тавсияларининг миллий даражада бажарилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий назорат органлари салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотларни мақсадли олиб бориш зарурияти келиб чикмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. “Давлат органларининг кундалик фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши”⁴ устувор вазифасига айланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

¹ Қаранг: Resolution, adopted by the General Assembly on 16 September 2005, 60/1. 2005 World Summit Outcome // UN Document A/RES/60/1.

² Қаранг: Resolution, adopted by the General Assembly on 25 September 2015, 70/1. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development // UN Document A/RES/70/1.

³ Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга - 172 давлат, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга - 169 давлат, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга - 196 давлат аъзо бўлган, 112 та давлатда эса инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ташкил этилган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://president.uz/uz/lists/view/1328>

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий назорат органлари билан ҳамкорлик масалаларини комплекс таҳлил қилиш илмий-назарий ва илмий-амалий аҳамият касб этаётганлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги (1995), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги (2004), “Парламент назорати тўғрисида”ги (2016), “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги (2017), “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги ПФ–5434-сон «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг такомиллаштириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Human Rights Implementation Centre of the University of Bristol (Буюк Британия), University College London (Буюк Британия), Czech Center for Human Rights and Democratization (Чехия), Centre of Human Rights Education of the University of Teacher Education in Lucerne (Швейцария), Geneva Academy of International Humanitarian Law and Human Rights (Швейцария), Centre for Human Rights of the University College Dublin (Ирландия), the Raoul Wallenberg Institute of Human Rights and Humanitarian Law (Швеция), the Brookings Institution (АҚШ), the Center for Human Rights and Global Justice of New York University School of Law (АҚШ), Human Rights Institute of the Columbia University (АҚШ), Institute for Human Rights at Åbo Akademi University (Финляндия), Россиянинг халқлар дўстлиги университети (Россия), аль-Форобий номидаги

⁵ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи www.bristol.ac.uk, www.ucl.ac.uk, www.humanrightscentre.org, www.zmrb.ch, www.geneva-academy.ch, www.ucd.ie, www.brookings.edu, www.chrgj.org, www.columbia.edu, www.abo.fi, www.rudn.ru, www.kaznu.kz, www.uwed.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Қозоғистон миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотлардан қатор қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: БМТнинг органларига ҳисобот тақдим қилиш ҳамда уларнинг қарорларини ижроси таъминлаш юзасидан раҳбарий қоидалар ишлаб чиқилган (Geneva Academy, the Raoul Wallenberg Institute, the New York University, РУДН); инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг минтақавий тизимларининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш тартибига оид ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган (Åbo Akademi University, the Brookings Institution); қийноқларни олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларнинг асосий моделларини хусусиятлари асослантирилган (University of Bristol, Columbia University).

Бугунги кунда глобаллашув шароитларида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича амалга оширилган тадқиқот юзасидан қатор устувор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан мажбурий тусга эга бўлган қарорларни қабул қилиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш; инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини янада кучайтириш; нодавлат акторлар (бизнес тузилмалар, фуқаролик жамияти институтлари)нинг инсон ҳуқуқларини бўйича халқаро назорат органларининг ҳисобот жараёни ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш фаолиятида иштирокини янада такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрганилаётган муаммонинг илмий ўрганилганлигининг даражасини таҳлил қилиш бўйича ишлар қуйидаги тўртта йўналишда амалга оширилди: 1) халқаро ҳуқуқда назорат институтининг назарий-методологик муаммолари; 2) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механнизмларини тадқиқ қилиш; 3) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий назорат механизмлари ўзаро ҳамкорлигининг замонавий тенденцияларини ўрганиш масалалари; 4) инсон ҳуқуқлари соҳасида назоратнинг долзарб халқаро-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ қилиш.

Халқаро ҳуқуқ доктринасида мазкур муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси шуни кўрсатидики, илмий тадқиқотларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясининг бир бутун механизмини таҳлил қилган ҳолда, кўпроқ эътибор умумий масалаларга қаратилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий назорат органларининг ўзаро ҳамкорлигига етарли аҳамият қаратилмаганлигини қайд этиш лозим.

Хорижий олимлар ва тадқиқотчиларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий қонунчилик ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро нисбати, халқаро ҳуқуқ нормаларини давлатлар томонидан қўлланиши масалаларини тадқиқ қилишга қатор ишлари бағишланган. Улар орасида қуйидаги хорижий олимларнинг ишлари алоҳида

аҳамият касб этади: Ф.Альстон, А.Абашидзе, Т.Бюргенталь, Дж.Донелли, К.Васак, Р.Гудман, Е.Лукашева, И.Лукашук, В.Карташкин, Г.Лукьянцев, Р.Мюллерсон, М.Новак, А.Робертсон, С.Черниченко, М.Шейнин, О.Тиунов, Г.И.Тункин, Д.Фельдман, М.Энтин ва бошқ.⁶ Халқаро назоратнинг назарий ва амалий жиҳатлари халқаро ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида Р.М.Валеевнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг механизмларини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги масалалари Ш.З.Ўразаев, Х.Рахмонкулов, Х.Т.Одилқориев, Х.Б.Бобоев, С.Ш.Рашидова, М.Х.Рустамбоев, Л.А.Саидова, А.С.Турсунов, И.А.Хамедов, Ф.Х.Бакаева, Р.Т.Ҳакимов ва бошқаларнинг ишларида таҳлил қилинган⁷.

Мазкур муаммонинг тадқиқ қилишда академик А.Х.Саидовнинг инсон ҳуқуқлари концепциясининг вужудга келиши, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг халқаро тизими, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтларининг ваколатлари ва амалий фаолиятига бағишланган илмий ишлари муҳим роль ўйнайди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб муаммолари, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси қилиш, халқаро ташкилотлар ва инсон ҳуқуқлари масалалари Б.И.Исмаилов, Г.А.Маткаримова, А.Х.Сатторов, Б.Тошев, Н.Нугманов, И.Турғуновнинг докторлик диссертациялари, А.Гафуров, Г.Юлдашева, А.Муминов, Ш.Раҳманов, Х.Юнусов номзодлик диссертация ишларида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ таълими ва тадқиқотчилигини ривожлантириш” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқининг назарий методологик асосларини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизмлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

⁶ Қаранг: International Human Rights in Context. Law, Politics, Morals. Third Edition. Henry J.Steiner, Philip Alston, Ryan Goodman. Oxford University Press, 2008; Human Rights and Good Governance. Building Bridges. Edited by Hans-Otto Sano and Gudmundur Alfredsson. Martinus Nijhoff Publishers, 2002; African Human Rights Complaints Handling Mechanisms. A Descriptive Analysis. The Danish Institute for Human Rights, 2008; Practice of United Nations Human Rights Treaty Bodies in the Reconciliation of Cultural Diversity with Universal Respect for Human Rights Michael K Addo, Human Rights Quarterly, Baltimore: Aug 2010. Vol. 32, Iss. 3; pg. 601, 64 p.; The Optional Protocol to the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights: An Ex Ante Assessment of its Effectiveness in Light of the Drafting Process Arne Vandenbogaerde, Wouter Vandenhole, Human Rights Law Review, Nottingham: Jun 2010. Vol. 10, Iss. 2; pg. 207; Карташкин В.А. Права человека: международная защита в условиях глобализации. – М.: Норма, 2009. ва бошқ.

⁷ Мазкур ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланган адабиётлар рўйхатида берилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ доктринасида, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда халқаро назорат институтининг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш, халқаро-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро тизиминининг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш тенденцияларининг устувор йўналишларини аниқлаш;

БМТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал механизмларининг ҳуқуқий мақомини комплекс тарзда таҳлил қилиш;

ЕХҲТ, Европа Кенгаши, Ислон ҳамкорлиги ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти, Африка Иттифоқи, Араб давлатлари лигаси доирасида таъсис этилган инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий назорат органларининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини танқидий баҳолаш;

инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ, минтақавий ташкилотлар ва миллий назорат органларнинг ўзаро ҳамкорлигининг замонавий тенденцияларини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон ва хорижий давлатларда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий назорат органларини ташкил этиш ва фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ қилиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий назорат органларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб халқаро-ҳуқуқий масалаларини белгилаш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий назорат органларининг тузилиши ва уларнинг фаолияти соҳасидаги муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро, минтақавий ва миллий назорат органларини шакллантириш ва фаолиятига оид БМТ Бош Ассамблеяси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг резолюциялари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий назорат органларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи миллий ва хорижий қонунчилик ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, умумлаштириш, диалектик, тизимли-тузилмавий услублар каби, умумилмий услублар қўлланилди. Қиёсий-ҳуқуқий, юридик-техник, тарихий-ҳуқуқий, башорат қилиш, каби махсус илмий услублардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Бизнес-омбудсманнинг ваколатларини кенгайтириш бўйича таклифлар асослантирилган;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро органларнинг функциялари ва уларнинг ваколатларида такрорланишига йўл қўймаслик ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнини кучайтириш зарурати асослантирилган;

Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман институтини жорий этиш таклифи асослантирилган;

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасига киритиш учун инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ҳуқуқ, петиция билан мурожаат қилиш ҳамда ахборот олиш ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни таъсис этиш тўғрисида таклифлар асослантирилган;

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, жумладан, Олий Масжлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳуқуқий мақомига оид қонун ҳужжатларига аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари фаолият кўрсатишининг концептуал масалаларининг, шунингдек, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиш билан боғлиқ амалий муаммоларнинг илмий-назарий ҳал қилинишида ўз аксини топди;

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга, халқаро шартномаларни Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига имплементация қилишга йўналтирилган бир қатор амалий таклифларни жорий қилиш мақсадида қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ҳулосасидаги умумназарий ҳулосалар, халқаро-ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари фанларидаги мавжуд қарашларни, миллий қонунчилик нормаларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш йўли билан асослантирилган. Диссертант шунингдек, БМТнинг Женевадаги Бўлимининг, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг Варшавадаги кутубхоналаридаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлган. Ҳулосалар муаллифнинг белгиланган мақсадларга эришиш ва тадқиқот вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган қарашлари ва таклифлари, ижтимоий сўровлар (300 дан ортиқ судья, юрисконсулт, адлия тизими ходимлари, адвокатлар орасида ўтказилган сўровлар), статистик маълумотларни умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Таклифлар, тавсиялар ва ҳулосалар апробациядан ўтказилган, уларнинг натижалари кўзга кўринган миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалардан илмий-тадқиқот фаолиятда, шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари”, “Халқаро ҳуқуқ”, “Европа ҳуқуқи”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ”, “Халқаро гуманитар ҳуқуқ” каби ўқув курсларини илмий-назарий бойитишда, маърузаларни, мунозаралар ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат механизм ва процедуралар билан ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида расмий ёндашувни шакллантиришда ифодаланади ҳамда унинг натижаларидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат механизмлар тавсияларини бажаришга оид ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятида, халқаро шартномаларни бажариш бўйича миллий маърузаларни тайёрлаш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий назорат органлари ўзаро ҳамкорлигининг назарий-амалий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 10 июндаги 02/510-сонли хулосаси). Мазкур таклифлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ваколатларини кучайтириш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчилик назорати механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг шартномавий органлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалари бажарилишига оид миллий маърузаларни, таҳлилий ва ахборот материалларни тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2018 йил 15 июндаги 01-сонли хулосаси). Ушбу таклифлар БМТ тузилмаларига ҳисоботлар тақдим қилиш ва уларнинг тавсияларини бажариш механизмларини такомиллаштириш, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг қуйидаги резолюциялари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган: “35/2. Таълим олишга бўлган ҳуқуқ: Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 8/4 резолюцияси билан боғлиқ кейинги ҳаракатлар”; “35/12. Суд ҳокимияти, маслаҳатчилар ва ассессорлар мустақиллиги ва холислиги ҳамда адвокатлар мустақиллиги”; “35/24. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида инсон ҳуқуқлари”; “Парламент ва инсон ҳуқуқлари принциплари”;

Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман институтини жорий этиш бўйича таклифи “Болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман

тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2018 йил 25 майдаги 04/125-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар қонун лойиҳасининг Омбудсман мақоми ва ваколатлари, фаолият йўналишлари, мурожаатлар билан ишлаш вазифалари, Омбудсманнинг халқаро ҳамкорликдаги иштироки билан боғлиқ нормалар билан такомиллаштиришга хизмат қилган;

инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий шартномаларни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасига таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланилди (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2018 йил 25 майдаги 04/125-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар лойиҳага инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим, петиция билан мурожаат қилиш ҳамда ахборот олишга бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни таъсис этиш тўғрисидаги қўшимчалар билан тўлдиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунни тайёрлашда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини янада такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдалинилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2018 йил 8 июндаги 01-01/168-сонли маълумотномаси; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2018 йил 25 майдаги 04/125-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар парламент Омбудсмани ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ваколатларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятлар бажариш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тадқиқот натижалари ва маълумотлари ўқув жараёнига жорий этилган, хусусан “Инсон ҳуқуқлари” дарслиги⁸ (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида чоп этишга рухсат берилган, 2013 йил 20 декабрь, №484. Қайд этиш рақами 484-012) тайёрлашда, бу эса талабаларни ўқитишда, уларга янги билимлар бериш ва кўникмаларини шакллантиришда манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маърузалар сифатида 25 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация тадқиқоти мавзусида 66 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси

⁸ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2012 йили “Энг яхши дарслик” деб эътироф этилган.

томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда – 22 та илмий мақола, халқаро журналларда – 2 та, республика илмий анжуманларда – 25 та, халқаро илмий анжуманларда – 5 та илмий тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузулиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 217 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурлиги асослантилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек диссертациянинг ҳажми ва тузулиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органлари фаолиятининг назарий-методологик муаммолари”** деб номланган биринчи бобида инсон ҳуқуқлари бўйича назорат органларининг ҳозирги замон концепцияси шаклланишининг тарихи, назорат органлари тушунчасининг шаклланишидаги ғоялар ва таълимотлар тадқиқ қилинмоқда, назорат органлари вужудга келиши ва ривожланиши масалалари, назорат институтининг принциплари ўрганилмоқда. Шу билан бирга, ишда асосий эътибор мамлакатимиз фанида етарли ўрганилмаган муаммоларга, шу жумладан, назарий қоидаларнинг таҳлилига, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий амалиётга, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда назорат институтини такомиллаштиришнинг юридик аҳамиятга эга бўлган механизмларин топишга қаратилди.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат институтининг юридик табиати” деб номланган биринчи параграф халқаро назорат институтининг ҳуқуқий табиатини ўрганишга бағишланган. Кейинги пайтларда мазкур мавзуга қизиқиш кучая бошлаган, бунга хорижий ва мамлакатимиздаги журналларда мақолалар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, махсус курслар пайдо бўлаётганлиги далолат бўлмоқда. Ундан ташқари, халқаро ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларида халқаро назорат масалалари монографик тадқиқотлар доирасида кўриб чиқилмоқда (космик ҳуқуқ, инсон ҳуқуқларини ҳимояси бўйича ва бошқа шу кабилар).

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро назорат соҳасининг кенгайиб бориши қуйидаги қатор омиллар билан боғлиқдир:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари муаммоси умумбашарий ва кўп даражали бўлмоқда, бунга унинг халқаро-ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, юридик ва жиҳатлар билан ўзига хос хусусият касб этаётганлигини кўришимиз мумкин;

иккинчидан, халқаро ташкилотлар, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолияти фаоллашмоқда, бу билан боғлиқ равишда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича мавжуд процедуралар ва механизмларни такомиллаштириш зарурияти вужудга келмоқда;

учинчидан, индивиднинг халқаро органларган ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилишга имконият яратилди;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Барча кўрсатиб ўтилган омиллар халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилган мажбуриятларини бажариши устидан назоратни кучайтиришга зарурият борлигини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, назорат институтини такомиллаштириш бўйича илмий асослантирилган тавсияларни ишлаб чиқиш учун, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда мазкур институтни чуқур комплекс тарзда назарий ва амалий таҳлил қилишнинг зарурлигидан далолат бермоқда.

Диссертацияда назарий ишлар ва халқаро ҳужжатларни ўрганиш асосида халқаро назорат институтининг тегишли босқичлари таклиф қилинди ва асослантирилди, назорат фаолиятининг ҳар бир босқичларининг мазмуни таҳлил қилинди.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органларининг вужудга келиши ва замонавий тенденциялари” деб номланган *иккинчи параграф* инсон ҳуқуқлари бўйича назорат органларининг эволюциясига бағишланган. Халқаро ҳуқуқ биринчи навбатда халқаро муносабатларни тартибга солади. Бироқ кейинги пайтларда ички давлат муносабатларини ҳам кўшган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг универсал таъсири ғояларига қайтиш ҳоллари кузатиш мумкин. Ушбу тенденция инсон ҳуқуқлари контекстида кўпроқ ҳис қилинмоқда. Шунинг учун ҳам халқаро ва ички нормалар бир бири билан қандай нисбатда эканлигини аниқлаб олиш жуда ҳам муҳимдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органлари фаолиятига қуйидаги бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин: фаолиятининг тавсифи, ҳуқуқий табиати, таркиби, фаолиятнинг объекти ҳамда муддати, шунингдек, уларнинг ваколатларини ҳажми асосида.

Илмий адабиётларда айрим тадқиқотчилар (К.Брокер, Й.Морейн, В.Карташкин, Р.Мюллерсон, М.О’Флаэрти ва бошқалар) томонидан чоп этилган ишларида шартномавий органлар тизимини мустаҳкамлаш бўйича ташаббусларнинг алоҳида жиҳатлари ўз аксини топди. Бундан ташқари,

айрим тадқиқотчиларнинг (Я.Лхотски, М.Новак, М.Шейнин ва бошқалар) илмий ишларида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро судини ташкил этиш масаласи алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органлари тизими ва уларни такомиллаштириш муаммолари” деб номланган иккинчи бобда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органлари фаолияти масалалари, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органларини ислоҳ қилиш муаммолари ёритиб берилди, шунингдек Европа Кенгаши, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, Африка Иттифоқи, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти, Араб давлатлари лигаси доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий назорат органлари тизимининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал назорат органлари тизими”га бағишланган биринчи параграфда БМТнинг инсон ҳуқуқлари органлари (Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш, шартномавий кўмиталар, махсус процедуралар), БМТнинг ихтисослашган муассасалари доирасидаги механизмларнинг амалий фаолияти тадқиқ қилинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни қўллаш устидан назорат тизимини тадқиқ қилар экан, муаллиф мазкур назоратнинг асосий вазифасини, олдига қўйган мақсадини, унинг вужудга келишининг тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқади, деб қайд этади.

Диссертацияда қайд этиладики, агар олдинлари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини бажарилиши устидан назоратни давлатларнинг ўзлари амалга оширган бўлса, ХХ асрнинг иккинчи ярмидан кейин эса, мазкур соҳада халқаро назорат механизмнинг шаклланиши жараёни бошланди. Кўп ҳолларда бузғунчи-давлатга тўғридан-тўғри таъсирга эга бўлмай, халқаро назорат органлари, тегишли қарорлар ва тавсияларни қабул қилиш йўли билан давлатларга ўз мажбуриятларини бажаришлари учун ёрдам ва кўмакни амалга оширадилар. Халқаро муносабатларда пайдо бўлаётган янги муаммолар давлатлардан умуммажбурий ҳулқ-атворни талаб қилаётганлиги, бу эса, ўз навбатида халқаро назорат органларига “миллатдан юқори турувчи”лик элементи киритилишининг заруриятини туғдираётганлиги таъкидланмоқда.

Муаллиф шундай хулосага келмоқдаки, ҳозирги давр инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қўллаш устидан халқаро назорат механизмнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларнинг амалий ҳаракати даражасини оширилса, унинг натижасида бу ҳуқуқлардан амалиётда фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга эришилади. Ундан ташқари, назорат процедураларини амалга ошириш муайян статистик маълумотларни йиғилишига олиб келадики, уларнинг таҳлили бу соҳада кейинги ўзгаришлар учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Халқаро процедуралар ва механизмларнинг таснифлаш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий

кўмиталарнинг ваколатлари асосан фактларни аниқлаш ва тавсияларни ишлаб чиқиш билан чегараланганлигини таъкидлаб ўтиш даркор. Амалиётнинг кўрсатишича, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро битимларни бажарилиши юзасидан назоратнинг шартномавий механизми сезиларли даражада камчиликларга эга. Биринчи ўринда, бу шартномаларга риоя қилиниши бўйича давлатлар томонидан тақдим этилаётган маърузалар ўз вақтида қабул қилинмаяпти, кўплаб маърузаларда ахборот юзаки хусусият касб эттади ва инсон ҳуқуқларини ҳимояси билан боғлиқ мамлакатдаги ҳолатни объектив акс эттирмайди. Кўп ҳужжатлар бир бирини такрорлайди, давлатлар томонидан тақдим этилаётган ахборотларнинг ўз вақти бўлмаслиги, нообъективлиги ва тўлиқ эмаслиги оқибатида кўмиталар ишининг самарадорлиги тушиб кетмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органларининг мақомини аниқлаш бўйича, уларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Биринчидан, халқаро назорат органлари халқаро шартномага мувофиқ ёки тегишли халқаро ташкилотнинг қарори билан тузилади ва фаолият юритади ва шу билан ҳам, у бирор бир давлатнинг юрисдикцияси остига тушмайди, шунингдек, у жойлашган давлатнинг юрисдикциясига ҳам.

Иккинчидан, улар муассисларнинг келишилган позицияларини эмас, мустақил органлар сифатида ўз позицияларини акс эттирадilar.

Учинчидан, халқаро шартномавий органлар фаолиятининг ва улар қабул қиладиган қарорларнинг асоси, моддий бўлса ҳам, процессуал бўлса ҳам, халқаро ҳуқуқ ҳисобланади.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий назорат органлари тизимининг ўизга хос хусусиятлари” деб номланган иккинчи параграф инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий механизмлар (америка, африка, европа ва бошқа тизимлар) фаолиятини қиёсий таҳлил қилишга бағишланган.

Тадқиқот кўрсатмоқдаки, ҳозирги дунёда минтақавий ташкилотларнинг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаш соҳасида уларнинг роли янада фаоллашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Давлатлараро амалиётда индивидларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида минтақавий ташкилотларнинг ролини ошиб бораётганлигини намоиш қилувчи ҳолатлар мавжуд. Айниқса, бу Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида кўп учрайди⁹. Минтақавий ташкилотларни замонавий фаолиятининг бундай тенденцияси қуйидаги сабаблар билан асосланади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари халқаро минтақавий стандартлар муайян минтақа кўпчилиқ мамлакатларининг консенсусининг ҳужжати ҳисобланади;

⁹ Valerio Colandrea. On the Power of the European Court of Human Rights to Order Specific Non-monetary Measures: Some Remarks in Light of the Assanidze, Broniowski and Sejdovic Cases // Human Rights Law Review. 2007. # 7(2). P. 398-411.

иккинчидан, мажбурий қарорларни йўқлиги ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги органлари фаолиятида “икки томонлама” стандартларнинг сақланиб қолиши тенденцияси билан.

Диссертант инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий тизимларнинг (Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқлари бўйича Европа судини ислоҳ қилиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотида Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияни¹⁰, АСЕАН доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ҳукуматлараро комиссияни таъсис этиш ва бошқалар) ривожланишини таҳлил қилиш асосида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида минтақавий, субминтақавий ва минтақалараро механизмларнинг муҳим роль ўйнашини, шунингдек, мазкур соҳадаги универсал стандартларни мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидламоқда.

Халқаро ҳуқуқнинг замонавий доктринасида, шунингдек, БМТ амалиётида, инсон ҳуқуқларининг стандартларини ишлаб чиқишда минтақавий ташкилотларнинг иштироки, инсон ҳуқуқларининг ишлайдиган механизмларини таъминлаш қўллаб-қувватланмоқда ва рағбатлантирилмоқда. Қайд этиш лозимки, постбиполяр дунёда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг минтақавий механизмлари ролини кенгайтириш борасидаги тенденциялар муайян даражада БМТнинг объектив кучсизлиги билан боғлиқдир, чунки, у универсал ташкилот сифатида “муайян геополитик ҳудудларда давлатларнинг алоҳида манфаатларини таъминлаш ҳолатида эмас”.¹¹

Ҳозирги пайтда, аъзолари шахсий сифатида, яъни, иш фаолиятида фуқароси ёки мансуб бўлган давлатларнинг ҳукуматидан мутлақ мустақил ҳолда иш юритадиган аъзолар (экспертлар, судьялар ва бошқалар)дан иборат халқаро назорат механизмларини ташкил этиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундай тенденцияни, халқаро механизмлар аъзоларининг шахсий сифатидаги фаолияти, уларга у ёки бу ахборотни кўриб чиқишда максимал объективлиликни кўрсата олиш имконияти беради деб, тушунтириш мумкин.

Инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш кўп томонлама назорат механизмлари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Барча халқаро назорат механизмлари ва процедуралари бутунжаҳон (универсал ёки ихтисослашган) ёки минтақавий бўлиши мумкин бўлган халқаро ташкилотлар ва органлар доирасида фаолият юритади. Ундан ташқари икки давлат ўртасидаги халқаро шартномаларга асосланган икки томонлама назорат органлари ҳам мавжуддир .

“Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органлари тизимининг ислоҳ қилиш” деб номланган учинчи параграф - инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органлари фаолиятининг ислоҳ қилишнинг замонавий муаммолари таҳлил қилинади.

¹⁰ Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 44-чи сессиясида (2017 йил 10-11 июль, Кот д’Ивуар) Ўзбекистон вакили ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси аъзолигига сайланди.

¹¹ Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть /Институт государства и права РАН, Академ. правовой ун-т. – М.: Волтерс Клувер, 2007. – С. 55.

Кейинги пайтларда халқаро, сиёсий ва илмий жамоатчилик доираларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадларида БМТни ислоҳ қилиш масалалари борган сари кўпроқ муҳокама қилинди ва мунозаралар давом этмоқда¹².

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалардаги назорат тўғрисидаги қоидаларнинг таҳлили, БМТ доирасидаги инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг универсал механизмлари мақомларининг халқаро-ҳуқуқий таҳлили инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш халқаро механизм тизимининг такомиллаштириш бўйича қатор таклифларни шакллантиришга имкон берди.

Учинчи боб **“Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий, минтақавий ва халқаро назорат органларининг ўзаро ҳамкорлигининг ҳозирги замон масалалари”** деб номланади ва у халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий назорат органларини ривожлантиришдаги ролини, улар фаолиятини халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий тенденцияларини ўрганишга бағишланган, унда миллий органларни ташкил этиш ва иш фаолиятига оид халқаро стандартларнинг ривожланишини таҳлил қилинади, халқаро ташкилотларнинг миллий органлар фаолиятини халқаро-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси очиб берилади. Ундан ташқари, индивидлар ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий ҳимояси масалалари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ошириш муаммолари ўрганилган.

Муаллиф халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларини миллий ҳуқуқий тизимга “кириб бориши” кучайиб бораётган вазиятда халқаро ва миллий назорат механизмлари бир биридан алоҳида фаолият юрита олмайди деган хулосага келмоқда. Инсон ҳуқуқларининг ҳақиқий ишлашини таъминлашда энг яхши натижага эришиш учун ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча жиҳатларида уларнинг яқиндан ҳамкорлигига эришиш зарурдир.

Диссертацияда, ички давлат назорати, инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларни аниқ бажарилиши, қонун талабига мувофиқ ва ҳуқуқни қўллаш жараёнини бошқаришнинг муҳим ташкилий-юридик усули бўлиб хизмат қилиш мақсадларида ҳуқуқни қўллаш амалиётига чуқурроқ кириб боради. Ички давлат назоратининг ҳуқуқни амалга ошириш механизмига кириб бориши ҳам давлатнинг ички нормаларига, ҳам инкорпорация қилинган халқаро-ҳуқуқий нормаларга нисбатан таъсир қилади. Давлатнинг ички назорати доирасида давлатнинг ички нормаларини халқаро шартнома нормаларига мувофиқ эмаслиги ҳолати вужудга келган тақдирда, давлатнинг ички ҳужжатларини ўзгартириш, қўшимчалар қабул қилиш ёки янги ҳужжат қабул қилиниши бўйича қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши лозим.

¹² Қаранг: In larger freedom: towards development, security and human rights for all. Report of the Secretary-General, 23 May 2005 // UN Document A/59/2005/Add.2; Карташкин В.А. Реформирование конвенционных органов по правам человека // Юрист-международник. – 2007. - № 2. – С. 11-17; Лукьянцев Г.Е. К вопросу о повышении эффективности функционирования договорных органов по правам человека (теоретические и практические аспекты) // Московский журнал международного права. – 2005. - № 4. – С.101-119.

Халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб, мажбуриятларни бажарилишининг текшириш бўйича назорат жараёнида бутун ичкидавлат назорат тизими иштирок этади. Миллий назоратнинг хулосалари ва яқунлари халқаро назорат органлари муҳокамасининг предметига бўлиши мумкин, бу тўғрисида халқаро-ҳуқуқий амалиёт гувоҳлик бермоқда (масалан, универсал даврий ҳисобот механизми).

Халқаро назоратни шартномавий ҳуқуқнинг ривожланиши ва эволюцияси нуқтаи назардан кўриб чиқилиши предметнинг кўзда тутилган мақсади эканлигини қайд этиб ўтиш зарурдир. Хусусан, бу ерда гап, халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномавий (инсон ҳуқуқлари бўйича кўмиталар) ҳамда шартномалардан ташқари (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва махсус процедуралар) назорат институтлари билан параллел равишда ривожланиб бораётганлигида кетмоқда.

Диссертациянинг тўртинчи боби, **“Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий назорат органларини тизими”** деб номланиб, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирокига, республикада фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг механизмларига бағишланади. Мазкур бобда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий ва институционал асослари таҳлил қилинган, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий назорат органларининг халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги, инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Яқин вақтларгача ҳам мамлакатимизнинг ҳуқуқшунослик фани кўриб чиқилаётган муаммоларга етарли эътибор қаратмаётган эди. Бу муаммоларга асосан журналлардаги ва турли ҳил тўпламлардаги алоҳида мақолалар бағишланар, шунингдек, бошқа масалалар ва муаммоларга бағишланган ишларда фрагментар тарзда ёдга олиб ўтилар эди. Ҳозирги замон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда назорат тизими инсон ҳуқуқлари бўйича асосий шартномалар бўйича давлатлар ўз мажбуриятларига риоя қилишининг салмоқли кафолати ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилишда давлатларнинг фаоллиги унинг ҳуқуқий тизимининг ривожланганлигидан далолат беради. Шундай экан, Ўзбекистон трансмиллий уюшган жиноятчиликка, одам савдосига, терроризм ва коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган кўплаб халқаро шартномаларда иштирок этиб келмоқда. Шу муносабат билан, амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ва жиноятчиликнинг барча турларига қарши курашнинг самарали тизимини яратиш йўли билан қонунчиликни тузилган халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш бўйича илмий-асослантирилган концепцияларни тайёрлаш талаб этилмоқда.

БМТнинг Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзга чиққан Президент Ш.Мирзиёев ёшлар сиёсатини шакллантириш ҳамда уни рўёбга чиқаришга

йўналтирилиб, унификациялашган халқаро ҳужжат бўлиши лозим бўлган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи билан чиқди¹³. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда айтиш керакки, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ёшларнинг алоҳида ўзига хос эҳтиёжларини, улар олдида турган хавфларни ҳисобга олиши ҳамда ёш авлоднинг имкониятларини амалга ошириш учун энг яхши шароитларни яратиб беришга қаратилган бўлиши лозим. Шу билан бирга, биологик кексайиб боришнинг тезлашаётганлигини ҳам, шунингдек, бизнинг давримизда анча кечроқ кечаётган ёш авлоднинг ижтимоийлашуви жараёни, каби омилларни ҳам ҳисобга олиш жуда муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, ёшлар БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган айрим алоҳида кафолатларни олиши лозим ва шу билан бир қаторда, ўз салоҳиятини амалга ошириши учун катта авлод вакиллари билан ҳуқуқларда тенг бўлиши даркор.

Халқаро стандартларда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ишида парламентлар, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ролини қайд этиб ўтилган. Универсал даврий таҳлилда 50 фоиздан кўпроқ тавсиялар парламентлар томонидан муайян ҳаракатларни, шунингдек, халқаро ва минтақавий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи механизмларнинг тавсияларини бажарилиши юзасидан парламент назоратини амалга оширишни ҳамда миллий ҳаракат режаларини қабул қилишни талаб этаётганлигини қайд этиш лозим.¹⁴ Айрим давлатларда (мисол учун, Австралия, Хиндистон, Ирландия, Марокаш, Сербия ва Словения) конституциявий даражада маҳаллий ҳокимият органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этишни таъминлаб бериш мажбуриятини мустаҳкамлаб қўйган муайян қоидалар мавжуд. Инсон ҳуқуқлари шаҳри тўғрисидаги Кванжуй декларациясида инсон ҳуқуқларини маҳаллий даражада ҳам таъминлаб беришга қаратилган “инсон ҳуқуқлари шаҳри” концепциясини ишлаб чиқишнинг зарурияти таъкидланмоқда.¹⁵

Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмида фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтларининг халқаро фаолиятининг роли, хусусан, БМТнинг низомий ва шартномавий органларига, халқаро ташкилотларга (ХМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Европа Кенгаши ва бошқ.) ахборот материалларини тақдим этиш, мазкур соҳада халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш орқали ривожланиб бормоқда. Мамлакатни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш мақсадида Фуқаролик

¹³ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида (2017 йил 19 сентябрь) нутқи // www.president.uz

¹⁴ Қаранг: Contribution of parliaments to the work of the Human Rights Council and its universal periodic review. Report of the Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights, 17 May 2018. // UN Document A/HRC/38/25.

¹⁵ Қаранг: Role of local government in the promotion and protection of human rights – Final report of the Human Rights Council Advisory Committee // UN Document A/HRC/30/49.

жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди¹⁶. Фуқаролик жамияти институтларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда уларга кўмаклашиш, илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитларидан жорий этиш мақсадларида Иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар ва шунга ўхшаш муассасаларнинг халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликни ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солувчи кўплаб халқаро нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари яна шундаки, уларни амалга ошириш учун давлатларнинг позицияларини формал келиштириш ёки ҳуқуқларнинг муайян комплексини уларнинг қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилишини ўзи, етарли эмас. Бугунги кунда Ўзбекистонда имплементация механизми фақат халқаро шартномаларга нисбатан мавжуд холос. Шу билан бир вақтда, амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш, халқаро ташкилотлар органларининг қарорлари, давлатлараро интеграциявий тузилмаларнинг ҳужжатлари тааллуқли бўлган ношартномавий характердаги ҳужжатлардан келиб чиқадиган халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларнинг имплементациясининг механизми аниқ белгилаб қўйилмаганлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон бермоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда) лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда¹⁷. Шу муносабат билан халқаро ҳужжатлар қоидаларини жорий этиш бўйича фаолиятни, марказий ва маҳаллий органлар ваколатларини, халқаро нормаларни амалга ошириш усуллари ва уларга миллий қонунчиликни мувофиқлаштиришни, коллизияларни тартибга солиш зарур ҳисобланади.

Ундан ташқари БМТнинг инсон ҳуқуқлари кенгаши ва шартномавий кўмиталари Ўзбекистон Республикаси судларига суд қарорларини чиқаришида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳавола этишни тавсия қилишмоқда, бироқ, халқаро ҳуқуқ нормаларини суд амалиётида қўллаш бўйича муайян механизм ишлаб чиқилмаган, ваҳоланки, судлар халқаро ҳуқуқ нормаларини давлатнинг ҳуқуқий тизими орқали қўллаш тўғрисида қоида аниқ белгилаб қўйилган. Судлар томонидан халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий ҳуқуқдан устуворлиги принципини амалга оширишда мумкин бўлган коллизияларни бартараф этишнинг амалий механизмини таъминлаб бериш мақсадида

¹⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., № 06/18/5430/1164

¹⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5400-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., № 06/18/5400/1023

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг махсус қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий назорат органларининг ўзаро ҳамкорлигининг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш, шунингдек, тадқиқот натижалари, қўйидаги илмий-амалий хулосалар қилишга, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни шакллантиришга имкон бермоқда.

Илмий-назарий хулосалар:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро назорат механизмининг асосий вазифаси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларнинг амалий даражасини ошириш, яқиний натижада ушбу ҳуқуқлардан амалиётда фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ундан ташқари, таҳлили мазкур соҳада кейинги ислохотларни амалга ошириш асос сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган назорат процедураларини амалга ошириш бўйича муайян статистик маълумотларни йиғилишига ёрдам беради.

2. Назарий таҳлил асосида халқаро ва минтақавий даражадаги инсон ҳуқуқлари механизмларига миллий маърузаларни тайёрлашни мувофиқлаштириш ҳамда тақдим этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсияларга миллий даражада риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилиб, доимий фаолият юритувчи давлат органи (тузилмаси) ҳисобланган, “инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳисобдорлик ва кейин давом этадиган фаолиятнинг миллий механизми” тушунчасининг муаллифлик таърифи шакллантирилди. Ушбу органларнинг мақоми, ташкил қилиш тартиби ва ваколатларини аниқлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳисобдорлик ва кейин давом этадиган фаолиятнинг миллий механизмларини раҳбарий принципларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Диссертант халқаро-ҳуқуқий доктринада халқаро назоратнинг ягона тушунчаси йўқлигини ва назорат механизм ҳар доим ҳам тегишли халқаро шартномаларнинг қоидаларини бажарилиши бўйича давлатлар фаолиятини тақширишнигина билдириб қолмаслигини таъкидлайди. Муаллиф халқаро назоратни давлатлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларини бажаришининг мониторинги ва халқаро шартномаларни амалга оширишнинг чора-тадбирларини қабул қилишда акс этувчи халқаро-ҳуқуқий нормаларни таъминлашнинг чора-тадбирлари сифатида кўриш керак, деган хулосага келади.

4. Турли ёндашувлар асосида диссертант, халқаро назорат механизмларини уч турга ажратиш мумкин деб ҳисоблайди: жамоавий органлар (шартномавий кўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа), яқка ҳолда ишловчилар (махсус маърузачилар, мустақил экспертлар) ҳамда суд органлари (инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Америкалараро суди, Африка суди).

5. Халқаро ташкилотларнинг назорат механизмлари қўйидаги умумий

камчиликларга эга: улар етарли даражада самарали эмас; назорат органлари кўпинча бир бирини такрорлайдилар; назорат механизмлари томонидан объектив бўлмаган, сиёсий ён босадиган қарорлар чиқариш имконияти сақланиб қолмоқда. Бироқ барча камчиликлар бўлгани ҳолда ҳам, халқаро назорат механизмлари ҳуқуқни бузувчи давлатга ахлоқий таъсир кўрсатмоқда ва халқаро ҳамжамият томонидан ҳуқуқбузарга босим ўтказувчи инструмент ролини ўйнамоқда. Халқаро органлар нафақат процедура ва ташкилий масалалар бўйича, балки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларнинг моҳияти бўйича ҳам қарор қабул қилишга ваколатлидирлар. Кейинги пайтларда дунёда, улар нафақат иштирокчи-давлатларда ички вазиятни баҳолай оладиган, балки аниқ тавсиялар бера олиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам янада мустаҳкамланиб бормоқда. Диссертантнинг фикрича, бундай тавсиялар ва хулосаларнинг норматив мақомини белгилаш ва мустаҳкамлаш лозим.

6. Фикримизга кўра, ҳозирги пайтда, халқаро кузатув органларини ташкил этишни кўзда тутувчи янги халқаро стандартларни яратиш мақсадга мувофиқ эмас. Бир бирини қайтарадиган ва ўзаро тўлдирувчи органларни конвергенциялашни амалга мантқан тўғри бўлар эди. Бунда кенг миқёсдаги масалалар бўйича мажбурий қарорлар қабул қила олиш ваколатларига эга бўладиган шартномавий органлар раисларининг доимий учрашувлари катта рол ўйнаши мумкин. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа тизимини ташкил этиш ва унинг ишлаши бўйича муваффақиятли тажрибани нафақат бошқа минтақавий тузилмаларга тарқатиш керак, балки бу тажрибани универсал даражада қўллаш масаласини ҳам ҳар томонлама ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда индивиднинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга тааллуқли миллий қонунчиликда айрим чеклашларни кўзда тутуди. Хусусан, давлат томонидан инсон ҳуқуқларини чеклашнинг ҳуқуқий мумкин бўлиши учун учта асосий талаб мавжуд: 1) қонунда ҳуқуқларни чеклашнинг мумкинлиги тўғрисида ҳуқуқий кўрсатмани борлиги; 2) чеклашни халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликда кўрсатиб ўтилган қонуний мақсадлар билан асосланиши; 3) кўзда тутилган мақсаднинг мутаносиблиги. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги универсал ва минтақавий битимларда санаб ўтилган махсус келишиб олинган ҳуқуқларга нисбатан чеклашларни қўллаб бўлмайди.

8. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат органлари амалиётининг таҳлили инсон ҳуқуқларини самарали амалга ошириш учун қуйидаги талабларни ажратиш кўрсатишга имкон бермоқда: давлатда инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг мавжудлиги; суд ҳимоясининг ҳақиқий механизмини таъминлаб берилиши; суд қарорларининг ижроси устидан давлат ёки халқаро орган томонидан назоратнинг мавжудлиги; ҳам маъмурий, ҳам суд қарорларини қайта кўриб чиқиш имкониятининг мавжудлиги.

9. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ҳозирги замон ҳолатининг таҳлили куйидаги илмий асослангилган қонуниятларни ажратиб кўрсатишга имкон бермоқда: биринчидан, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги икки асосий даражада – универсал ва минтақавий даражаларда амалга оширилмоқда; иккинчидан, ҳаттоки, универсал даражада ҳам ҳамкорликнинг даражаси ва алоҳида жиҳатлар бўйича унинг самарадорлиги аниқ кўзга ташланадиган ўзига хос хусусиятга эга. Кўпинча бундай фикрнинг ўрнашиб қолиши, айрим муаммолар ҳар доим, бошқаларга нисбатан “нозикроқ”, “ҳиссиётлироқ” ҳисобланиб келганлиги билан боғлиқдир.

10. Терроризмга қарши кураш шароитларида, ахборот ва маълумотларни йиғиш чоғида инсон ҳуқуқларига риоя қилишни кафолатлаш, шахсий ҳаётнинг даҳлсизлиги кафолатининг кучайтириш мақсадларида шахсий маълумотларнинг ҳимояси ва маълумотларнинг даҳлсизлигини таъминлаб берувчи халқаро-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш зарурдир.

11. Инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаб бериш билан боғлиқ халқаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида инсоннинг экологик ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ, шу билан бирга, унинг назорат органи сифатида БМТнинг Инсоннинг экологик ҳуқуқлари бўйича кўмитасини таъсис этиш, унинг вазифалари, функциялари ва ваколатларини, жумладан, индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш ваколатини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

12. БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси “ёшлар” тушунчасининг таърифи белгилаб қўйиллиши лозим, чунки БМТнинг мавжуд ҳужжатларида мазкур атаманинг аниқ таърифи йўқ. Бу биринчи ўринда, болалар ва ёш одамларни чегарасини белгилаб бериши ва шу орқали БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, каби ҳужжатлардаги мақсад ва вазифаларнинг қайтарилишини олдини олади. Ҳужжат ёшлар дуч келаётган хавфлар ва эҳтиёжларни ҳисобга олиши ва ўзига ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг аниқ механизмини киритилишини ва уни миллий, минтақавий ва халқаро даражада сифатли амалга оширилиши юзасидан давлатларнинг масъулиятини белгилаб қўйилишини ҳисобга олиши керак.

13. Суд органларини мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаш ва лавозимга тайинлаш масалаларини тартибга солиш мақсадида судьялар кенгашлари фаолиятига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

14. Осиё минтақасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий тизими мавжуд эмаслигини инобатга олиб, инсон ҳуқуқлари бўйича институционал механизмларни таъсис этиш тўғрисида Осиё шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек, барча манфаатдор томонлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, академик ҳамжамияти ва фуқаролик жамияти институтларининг кенг иштирокида мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиш таклиф этилмоқда.

15. Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий шартномаларни такомиллаштириш мақсадида Ислом Ҳамкорлик Ташкилотини Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга оид ҳуқуқ, петиция билан мурожаат қилиш ҳамда ахборот олиш ҳуқуқи, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил миллий институтларни таъсис этиш тўғрисидаги нормалар билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Институционал асослар ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар билан танишишга кенг кўламдаги фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг имкониятлари бўлиши керак ва бу эса, уларни кенг миқёсда нашр қилишнинг заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам, халқаро шартномаларни чоп этиш ва кучга киришининг тартибини, марказий ва минтақавий органларнинг ваколатларини, амалга ошириш усуллари ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларни унга мувофиқлаштиришни, коллизиявий процедураларни белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

2. Халқаро мажбуриятларга риоя қилиш юзасидан назоратини амалга оширишда парламентнинг ролини кучайтириш мақсадида парламентнинг Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамияти институтлари бўйича кўмитасини таъсис этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг мақоми тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига миллий маърузаларни кўриб чиқилиши натижалари бўйича ҳукумат делегацияларини ҳисоботларни эшитишнинг мажбурийлиги, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режалари (“йўл хариталари”)ни қабул қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро форумлар ишларида иштирок этиш, мазкур соҳада инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги нормалар билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини “инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш, риоя қилиш ва ҳимояси билан боғлиқ чоратadbирлар қабул қабул қилади” деган жумла билан тўлдириш таклиф этилади.

4. Парламентнинг назорат ваколатларини фаоллаштириш мақсадида “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасини 2-қисм билан қуйидаги мазмунда тўлдириш мақсадга мувофиқ: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

(омбудсман) Олий Мажлисга парламент текширувини ўтказиш учун комиссия тузиш, мазкур комиссиянинг ишида бевосита ёки ўз вакили орқали иштирок этиши тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилишга ҳақлидир”.

5. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг миллий тизимини такомиллаштириш мақсадларида Қийноқнинг олдини олишнинг Миллий превентив механизми тўғрисидаги қонунни қабул қилиш, БМТнинг Қийноққа қарши конвенциясига Факультатив протоколни ратификация қилиш мақсадга мувофиқдир. Миллий превентив механизм ўзига инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қамраб олиши керак.

6. Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгашига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига, жисмоний ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тақдим этиш орқали, шунингдек, “Менинг фикрим” портали механизмидан фойдаланиб Конституциявий суд кўриб чиқадиган масалаларни киритиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасини кенгайтириш лозим.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ҳар бири, ўз воситалари ва усуллари билан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини амалга оширишни таъминлашда иштирок этмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини яратиш давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга содиқлигини кўрсатади. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш мақсадида судлов ишлари материаллари билан, қонуний кучга кирган қарорлар (хукмлар) билан танишишга бўлган ҳуқуқ, шунингдек омбудсман фаолиятига тўсқинлик қилгани учун жавобгарлик тўғрисида қатор қонун ҳужжатлари (ФПК, ЖПК, МСК, ЖК, МЖК)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш лозим.

8. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига қуйидаги мазмунда қўшимча киритиш таклиф этилмоқда: “Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан тақдим этилади”.

9. Сайлов жараёнининг очиклигини таъминлашни кучайтириш ҳамда фуқароларнинг сайловлар ва референдумларда иштирок этишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасининг 33-моддасини қуйидаги жумла билан тўлдириш таклиф этилмоқда “Бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан кузатувчиларга таклифномаларни жўнатиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан берилиши мумкин”.

Ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки ва вакиллигини фаоллаштириш, шунингдек, ёшларнинг парламент корпусида иштирок этишга бўлган имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси (69-, 75- ва 87-моддалар)га сайловларга номзодларни илгари суришнинг минимал ёшини маҳаллий Кенгашларга - 18 ёшгача, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига - 21 ёшгача камайитириш таклиф этилмоқда.

10. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар тавсияларини ижроси устидан назоратнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми такомиллаштиришга эҳтиёж сезмоқда ва давлат органлари томонидан назорат ваколатининг аниқ таърифининг йўқлиги мазкур соҳада самарали назоратни таъминлашга имкон бермаяпти. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг кадрлар салоҳиятини ва моддий-техникавий таъминотини кучайтириш ҳамда унга назорат ваколатини бериш таклиф этилади.

11. Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг тажрибаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро назоратнинг турли тизимларининг ҳаракат диапазонида янги давлатларни қўшилиши учта асосий оқибатга олиб келади ёки олиб келиши мумкин. Биринчидан, бу уларнинг ички қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мазкур аниқ тизим учун умумий бўлган стандартларга мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Иккинчидан, тизимнинг янги иштирокчилари айтиб ўтилган мослашувчанликка қисқа муддат ичида ўтиши лозим бўлади, бу эса анчагина миллий саъй-ҳаракатларни ҳамда тизимнинг бошқа иштирокчилари томонидан кўмакни талаб этади. Учинчидан, тизимнинг эски ва янги иштирокчиларининг тарихий-ҳуқуқий ривожини ва ҳуқуқий анъаналарнинг турли хиллиги уни маълум даражада “бойиши”га олиб келиши мумкин. Бошқа томондан эса, айрим мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги тажрибада орқада эканлиги назорат органларида иш ҳажмининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин. Ривожланиш ва анъаналардаги кўрсатиб ўтилган фарқлар халқаро назоратнинг у ёки бу тизимининг ривожланишини бир ҳисобда “тўхтатиб қўйиш”га олиб келиши мумкинлиги

истисно қилиб бўлмайди. Ушбу мақсадда Ўзбекистоннинг барча дипломатик ваколатхоналарига, ўзларининг йиллик ҳисоботига келиб турган мамлакатда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш муаммоларига бағишланган бўлим қўшиш тавсия этилади.

12. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини собитқадамлик ва қатъийлик билан бажармоқда, БМТнинг тегишли шартномавий органларига ушбу масалалар бўйича даврий миллий маърузаларини доимий равишда тақдим этиб келмоқда. Шу муносабат билан БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органларига экспертлар номзодларини илгари суриш соҳасидаги миллий сиёсатнинг ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

13. Марказий Осиё мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари фаолиятининг долзарб масалалари бўйича доимий мулоқотни ривожлантириш мақсадида, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тажриба алмашиш ва муаммоларини муҳокама қилишга, инсон ҳуқуқлари бўйича тадқиқотчилик ва таълим фаолиятига, инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга кўмаклашадиган Минтақанинг миллий институтлари форумини ташкил этиш таклиф этилмоқда.

14. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга бўлган ҳуқуқ янги ҳуқуқ эмас; у халқаро ва минтақавий шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган таълим олишга бўлган ҳуқуқнинг таркибий қисмидир. Шу муносабат билан, 2011 йили Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тайёргарлик тўғрисидаги декларациясининг нормаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси (“йўл харитаси”)ни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

15. БМТнинг “Ҳимоя, риоя қилиш ва ҳимоя воситалари” Ҳадли концепциясини бажариш учун инсон ҳуқуқлари жиҳатида Тадбиркорлик фаолиятининг раҳбарий принциплари қоидаларини амалга ошириш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва бизнес тузилмаларининг ижтимоий маъсулиятини таъминлаш соҳасида Миллий ҳаракат режаси (“йўл харитаси”)ни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tar/Yu/I/S/24/01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ
МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

УНИВЕРСИТЕТ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ

ТИЛЛАБАЕВ МИРЗАТИЛЛО АЛИШЕРОВИЧ

**ТЕОРЕТИКО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ
МЕЖДУНАРОДНЫХ И НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНТРОЛЬНЫХ
ОРГАНОВ ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА**

12.00.10 – Международное право

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)**

ТАШКЕНТ – 2018 год

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.4.DSc/Yu24.

Диссертационная работа выполнена в Университете мировой экономики и дипломатии.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском) на веб-странице Научного совета (www.uwed.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz)

Научный консультант:	Саидов Акмал Холматович академик, доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Турсунов Ахтам Саломович доктор юридических наук, доцент Бобокулов Иномжон Ибрагимович доктор юридических наук, доцент Тулаганов Абдуманноп Абдужабборович доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

Защита состоится «__» _____ 201__ г. в ___ часов на заседании Научного совета dsc.27.06.2017. Tar/Yu/I/S/24/01 при Университете мировой экономики и дипломатии (Адрес: 100077, г.Ташкент, пр. Мустакиллик, 54. Тел.: (998 71) 267-67-69; факс: (998 71) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета мировой экономики и дипломатии (зарегистрирована под № _____), (Адрес: 100077, г.Ташкент, пр. Мустакиллик, 54. Тел.: (998 71) 267-67-69).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 201__ года.
(протокол реестра № _____ от «__» _____ 201__ года).

И.А.Хамедов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, профессор

Г.С.Исмаилова

Секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
юридических наук, доцент

С.М.Адилходжаева

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор юридических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном всё более глобализирующемся мире права человека являются одной из самых значимых и злободневных проблем, волнующих человечество с древнейших времен. Права человека превратились в один из самых динамично развивающихся направлений международно-правовых исследований, трансформировавшись в самостоятельную отрасль современного международного публичного права. На Всемирном саммите 2005 года права человека наряду с другими составляющими были провозглашены “одной из основ коллективной безопасности и благосостояния, и государства-члены ООН подтвердили решимость по укреплению механизмов защиты прав человека”¹⁸. Права человека играют важную роль в обеспечении устойчивого развития. Новая амбициозная всеобщая программа в области развития «Повестка дня в области устойчивого развития до 2030 года»¹⁹ в полной мере содержит принципы и стандарты всех прав человека.

В настоящее время является актуальным проведение комплексных научных исследований по научно-теоретическим и практическим аспектам формирования международного права прав человека, международных норм и принципов на основе изучения системы защиты прав человека и контроля за осуществлением государствами своих обязательств в этой области. Характерной тенденцией при этом является рост числа государств, присоединившихся к международным актам в области прав человека, а также увеличение числа национальных институтов по правам человека.²⁰ С этой точки зрения, важное значение имеют глубокие научные исследования по формированию новых подходов по укреплению потенциала национальных механизмов защиты прав человека, обеспечению выполнения рекомендаций международных и региональных правозащитных механизмов на национальном уровне.

В настоящее время вопросам обеспечения и защиты прав человека в Узбекистане уделяется особое внимание. В этой связи, “в ежедневной деятельности государственных органов должен беспрекословно обеспечиваться конституционный принцип приоритета прав и свобод человека”.²¹ В рамках реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

¹⁸ См.: Resolution, adopted by the General Assembly on 16 September 2005, 60/1. 2005 World Summit Outcome // UN Document A/RES/60/1.

¹⁹ См.: Resolution, adopted by the General Assembly on 25 September 2015, 70/1. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development // UN Document A/RES/70/1.

²⁰ Например, участниками Международного пакта о гражданских и политических правах являются 172 государства, Международного пакта об экономических, социальных и культурных правах – 169 государства, Конвенции ООН о правах ребенка – 196 государств, в 112 государствах учреждены национальные институты по правам человека.

²¹ Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 25-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан. <http://president.uz/ru/lists/view/1328>

приобретает особую научно-теоретическую и научно-практическую значимость комплексное изучение вопросов имплементации международных норм по правам человека в национальное законодательство, взаимодействия с международными и региональными контрольными органами по правам человека.

Диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» (1995), «Об Уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (омбудсмане)» (2004), «О парламентском контроле» (2016), «Об Уполномоченном при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства» (2017), «Об общественном контроле» (2018), Указов Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 5 мая 2018 года № УП–5434 «О Программе мероприятий, посвященных 70-летию принятия Всеобщей декларации прав человека» и иных отраслевых актах законодательства.

Соответствие исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Зарубежный научно-исследовательский обзор темы диссертации²². Научные исследования по вопросам совершенствования механизмов защиты прав человека проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях таких, как Human Rights Implementation Centre of the University of Bristol (Великобритания), University College London (Великобритания), Czech Center for Human Rights and Democratization (Чехия), Centre of Human Rights Education of the University of Teacher Education in Lucerne (Швейцария), Geneva Academy of International Humanitarian Law and Human Rights (Швейцария), Centre for Human Rights of the University College Dublin (Ирландия), the Raoul Wallenberg Institute of Human Rights and Humanitarian Law (Швеция), the Brookings Institution (США), the Center for Human Rights and Global Justice of New York University School of Law (США), Human Rights Institute of the Columbia University (США), Institute for Human Rights at Åbo Akademi University (Финляндия), Российский университет дружбы народов (Россия), Казахский национальный университет имени аль-Фараби (Казахстан), Университет мировой экономики и дипломатии (Узбекистан).

²² Обзор зарубежных научных исследований согласно темы диссертации подготовлен с использованием материалов, размещенных на сайтах: www.bristol.ac.uk, www.ucl.ac.uk, www.humanrightscentre.org, www.zmrb.ch, www.geneva-academy.ch, www.ucd.ie, www.brookings.edu, www.chrgj.org, www.columbia.edu, www.abo.fi, www.rudn.ru, www.kaznu.kz, www.uwed.uz и др.

Научные исследования в сфере совершенствования механизмов международного сотрудничества по правам человека сформулировали ряд приоритетных научных результатов, в частности: выработаны руководящие принципы по представлению докладов в договорные комитеты ООН и выполнению их решений (Geneva Academy, the Raoul Wallenberg Institute, the New York University, РУДН), выработаны правовые меры по укреплению независимости и процедуре рассмотрения сообщений региональных систем защиты прав человека (Åbo Akademi University the Brookings Institution), обоснованы особенности основных моделей национальных превентивных механизмов по предупреждению пыток (University of Bristol, Columbia University).

Сегодня в условиях глобализации осуществляется целый ряд исследований в области теоретических и практических аспектов международного права прав человека, а именно по таким приоритетным направлениям, как: разработка действенных мер совершенствованию механизмов выполнения международных обязательств в сфере прав человека; усиление правового статуса и полномочий национальных институтов по правам человека; активизация участия негосударственных акторов (бизнес структуры, институты гражданского общества) в деятельности международных контрольных органов по правам человека в сфере отчетности и рассмотрения сообщений.

Степень изученности проблемы. Работа по анализу степени научной разработанности изучаемой проблемы осуществлена в следующих четырех направлениях: 1) теоретико-методологические проблемы института контроля в международном праве; 2) исследования международных механизмов защиты прав человека; 3) вопросы изучения современных тенденций взаимодействия международных и национальных контрольных механизмов защиты прав человека; 4) исследования актуальных международно-правовых проблем контроля в сфере прав человека.

Характеризуя состояние научной разработанности данной проблемы в доктрине международного права, необходимо отметить, что в научных исследованиях значительное внимание уделялось общим вопросам, анализирующим целостный механизм защиты прав и свобод человека и менее всего на вопросы взаимодействия международных и национальных контрольных органов по правам человека.

Исследованию вопросов защиты прав человека, соотношения национального законодательства и норм международного права в области прав человека, применения государствами международных норм прав человека посвящены работы зарубежных ученых и исследователей. Особое значение имеют труды зарубежных ученых, таких как: Ф.Альстон, А.Абашидзе, Т.Бюргенталь, Дж.Донелли, К.Васак, Р.Гудман, Е.Лукашева, И.Лукашук, В.Карташкин, Г.Лукьянцев, Р.Мюллерсон, М.Новак, А.Робертсон, С.Черниченко, М.Шейнин, О.Тиунов, Г.И.Тункин, Д.Фельдман, М.Энтин и

другие.²³ Теоретические и практические аспекты международного контроля как самостоятельного института международного права исследованы в работах Р.М. Валеева.

Вопросы совершенствования механизмов защиты прав человека, международного сотрудничества Республики Узбекистан в сфере прав человека проанализированы в работах Ш.З.Уразаева, Х.Рахманкулова, Х.Т.Адилкариева, Х.Б.Бабаева, С.Ш.Рашидовой, М.Х.Рустамбаева, Л.А.Саидовой, А.С.Турсунова, И.А.Хамедова, Ф.Х.Бакаевой, Р.Т.Хакимова и др.²⁴

Важную роль в исследовании данной проблемы оказали труды академика А.Х.Саидова, в которых содержатся систематизированные научные представления о возникновении концепции прав человека, международной системы защиты прав человека, компетенции и практической деятельности институтов защиты прав человека в Узбекистане.

Различные аспекты имплементации международных стандартов прав человека в национальное законодательство, деятельности международных организаций по защите прав человека исследовались в докторских диссертациях Б.И.Исмаилова, Г.А.Маткаримовой, А.Х.Сатторова, Б.Тошева, Н.Нугманова, И.Тургунова, кандидатских работах А.Гафурова, Г.Юлдашевой, А.Муминова, Ш.Рахманова, Х.Юнусова.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Университета мировой экономики и дипломатии в рамках научного проекта «Совершенствование образования и исследований в сфере международного права в Узбекистане».

Целью исследования является совершенствование теоретико-методологических основ международного права прав человека, выработка практических предложений и рекомендаций по совершенствованию функционирования международного и внутригосударственного механизмов защиты прав человека.

Задачи исследования:

исследование теоретических положений института международного контроля в доктрине современного международного права, а также

²³ См.: International Human Rights in Context. Law, Politics, Morals. Third Edition. Henry J.Steiner, Philip Alston, Ryan Goodman. Oxford University Press, 2008; Human Rights and Good Governance. Building Bridges. Edited by Hans-Otto Sano and Gudmundur Alfredsson. Martinus Nijhoff Publishers, 2002; African Human Rights Complaints Handling Mechanisms. A Descriptive Analysis. The Danish Institute for Human Rights, 2008; Practice of United Nations Human Rights Treaty Bodies in the Reconciliation of Cultural Diversity with Universal Respect for Human Rights Michael K Addo, Human Rights Quarterly, Baltimore: Aug 2010. Vol. 32, Iss. 3; pg. 601, 64 p.; The Optional Protocol to the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights: An Ex Ante Assessment of its Effectiveness in Light of the Drafting Process Arne Vandenbogaerde, Wouter Vandenhoe, Human Rights Law Review, Nottingham: Jun 2010. Vol. 10, Iss. 2; pg. 207; Карташкин В.А. Права человека: международная защита в условиях глобализации. – М.: Норма, 2009. и др.

²⁴ Перечень трудов этих и других авторов дан в списке использованной литературы диссертации.

международных договорах по правам человека, подготовка соответствующих предложений по совершенствованию международно-правовых норм;

